
НАВРЎЗ БАХТУ САОДАТИМИЗ, ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ИФОДАСИДИР!

Она диёримизда табиатнинг уйғониш фасли кўнгилларга сурур ва тароват бағишлаб, беқиёс гўзалликларини намоён этмоқда. Тинч, осуда юртга байрамлар ярашади. Бугундан мамнун, эртасидан кўнгли тўқ инсонларга хурсандчиликлар, шодиёнлар татийди. Бугун Риштон туманида жойлашган "Халқаро кулолчилик маркази"нинг очилиш маросими ва "Наврўз" байрами тантаналари бўлиб ўтди. "Халқаро кулолчилик маркази" майдонларда байрам тантаналари катта сайл тарзида ўтказилди. Тадбирда туманимизнинг таниқли хонандалари Валижон Қодиров, Рустам Мирзаев, Сухроб Аҳмад, Дилмурод Далиев ва ёш санъаткорлар ўз чиқишлари билан иштирок этишди. Шунингдек, туман маданият бўлими ходимларининг чиқишлари эса барчанинг кўнглини тоғдай кўтарди. Ташриф буюрувчилар ўйин-кулгуларга таклиф этилди. Санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилиб, концерт дастурлари намойиш этилди. Миллий кўргазмалар намойиши ва куй-қўшиқлар юртдошларимизга янада юқори кайфият улашди. Байрам тадбирида туман ҳокими С. Солиев ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Ўринбоевлар сўзга чиқиб туманимиз аҳлини байрам билан табриклашди. Шунингдек "Халқаро кулолчилик маркази"нинг очилиш маросимини ўтказишди. Қирғизистоннинг Норин вилояти губернатори бошчилигидаги делегациясининг ташрифи байрамни янада файзли бўлишни таъминлади.

2021-03-19 17:14:05